

ББК 633.51
~~42.163~~


У 80

ФАН
ҲАҚИДА
СУҲБАТ
ЛАР

Т. УРИНБОЕВ, Б. ДОШТАНОВ

АГРОТЕХНИК
УСУЛЛАРНИНГ
ПАХТАЧИЛИКДАГИ
ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИ

69 8679/1



№ 7

шан
ҳақида
суҳбат
лар

633.51 ББК
42.163
У80
Т. УРИНБОЕВ, Б. ДОШТАНОВ

АГРОТЕХНИК
УСУЛЛАРИНИНГ
ПАХТАЧИЛИКДАГИ
ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИ



Библиотечка
Самарканд
ИҲВ
Тошкент
«ЎЗБЕКИСТОН»
1984

Sp 8679/1

пайтиришга оид материалларни келтириб ўтиш ўринлидир.

Андижон областида 1970 йилда 192,9 минг гектар ерга пахта экилиб, 500 минг тонна ҳосил олинган ва ҳосилдорлик гектарига 26 центнерни ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб 192,3 гектар ердан 637,0 минг тонна ҳосил олинди ва ҳосилдорлик 34,5 центнерга етказилди. Қўрилиб турибдики, ўн бир йил мобайнида ҳосилдорлик гектарига 8,9 центнерга оширилди.

Наманган областида 1970 йилда 148,2 минг гектар майдонга пахта экилиб, 350,0 минг тонна ҳосил олинган ва ҳосилдорлик гектарига 25,3 центнерни ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб 136,0 минг гектар ердан 474,7 минг тонна пахта олинди ва ҳосилдорлик 34,9 центнерга етказилди; орадаги фарқ 9,6 центнерни ташкил этди.

Фарғона областида 1970 йилда 209,0 минг гектар ердан 454,0 минг тонна ҳосил олинган ва ҳосилдорлик 23,7 центнерни ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб, 188,8 минг гектар ердан 621,1 минг тонна ҳосил олинди ва ҳосилдорлик 32,9 центнерга етказилди. Ўн бир йил мобайнида ҳосилдорлик гектарига 9,2 центнерга ошди.

1970—1980 йиллар мобайнида беда, маккажўхори ва бошқа алмашлаб экиладиган экинлар майдонини кўпайтириш ҳисобига пахта экиладиган майдонлар маълум даражада қисқарган бўлса ҳам, бироқ учала область бўйича умумий ҳосил 124—137 минг тонна, ҳосилдорлик эса гектарига 8,9—9,6 центнер ошди. Ҳозирги кунда баъзи районлар гектаридан 37—40 центнер, айрим хўжаликлар эса 43—47 центнер ҳосил олмақда.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Фарғона водийсининг унумдор ерлари асосан ўзлаштириб бўлинган ва ҳозирги кунда Марказий Фарғонанинг чеккаларидаги ҳамда тоғ этакларидаги бўз-қўнғир ва тошлоқ тупроқлардан иборат қумлоқ ерлари ўзлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрохимия институтининг маълумотларига қараганда Фарғона водийсининг Ўзбекистон ССРдаги уч областида қумлоқ ерлар қарийб 60 минг гектарни ташкил этади. Бундан ташқари, А. Л. Датлиннинг (Тошкент Қишлоқ хўжалик институти) маълумотларига қараганда Фарғона водийсининг Ўзбекистон территориясида ўзлаштириш бошлаб юборилган 80 минг гектарга яқин

бархан ва тепаликлардан иборат қумлоқ ерлари мавжуд.

Қумлоқ майдонларини ўзлаштиришнинг қийинлиги шундан иборатки, бу ерлар қаттиқ эсадиган шамол таъсирида бўлиб, тупроқ юқори даражали шамол эрозияси билан зарарланади. «Узгипрозем» ҳисоб-китобларига қараганда фақат Фарғона областининг ўзида 200 минг гектарга яқин шамол эрозиясидан зарарланган майдонлар мавжуд. (Бундан ташқари, Андижон ва Наманган областларида ҳам 185 минг гектарга яқин ана шундай майдонлар бор). Мазкур зонада ерларнинг шўрланганлиги ҳам ўзлаштириш ишларини мураккаблаштиради. Шу сабабли мазкур ерлар ўзлаштирилган дастлабки йилларда ҳосилдорлик гектарига атиги 5—7 центнерни, камдан-кам ҳоллардагина 12—13 центнерни ташкил этади.

Марказий Фарғона қумлоқ ерларини ўзлаштиришда ирригатор ва агрономларга ёрдам кўрсатиш мақсадида республиканинг Директив органлари пахтачиликка хизмат қилувчи, янги ерларни муваффақиятли ўзлаштиришга иштирок этувчи илмий муассасалар ташкил этиш вазифасини қўйдилар.

Ана шу мақсадда 1975 йилда Ленин орденли ва Халқлар дўстлиги орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти Фарғона область Ёзёвон районидаги «Правда» совхозида Фарғона комплекс экспедициясини ҳамда мунтазам иш олиб борувчи станцияни ташкил этди. Экспедицияга Ёзёвон чўлларидан янги ўзлаштирилган 162 гектар майдон бириктириб қўйилди.

Экспедиция составига тупроқ эрозияси, мелiorация, суғориш ва сув режими, ўғитлар ва физиология, алмашлаб экиш, экономика бўлимларининг ходимлари киритилди. Институт ва Фарғона пахтачилик тажриба станцияси томонидан ташкил этилган комплекс ва лаборатория тажрибалари кучайтирилди.

Институтнинг экономика бўлимида экспедиция томонидан амалга ошириладиган агротехник тадбирларни иқтисодий асослаш вазифаси қўйилди.

Экспедиция фаол иш олиб бораётган «Правда» совхозини асосан пахтачиликка ихтисослашган, яъни совхозда етиштириладиган ялпи маҳсулотнинг 90 процентини пахта, қолган 10 процентини чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг маҳсулотлари ташкил этади.

1980 йилда совхозда 1230 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30,6 центнердан ҳосил олинди ва ҳосилдорлик 1975 йилдагига нисбатан 5,3 центнер юқори бўлди.

Баъзи бир иқтисодий кўрсаткичларни қиёслаш учун «Правда» совхозини билан тупроқ-иқлим шароитлари бир хил бўлган ва сув ресурслари билан бир хил таъминланган «Ёзёвон» совхозини олиш мумкин. Ҳар икки совхознинг ерлари шўрланишдан маълум даражада зарарланган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, «Ёзёвон» совхозига қараганда «Правда» совхозига маҳсулот бирлиги учун сарфланган меҳнат анча (12%) кам, ҳар бир пахта териш машинасининг унумдорлиги 1,8 баробар юқоридир.

Ҳар икки совхозда ҳам таннарх анча юқори бўлсада, бу ҳол «Правда» совхозини учун вақтинчалиқдир, чунки бу совхозда олимлар иштирокида фан-техника тараққиётини қишлоқ хўжалигида қўлланиш борасида йилига 156 минг сўм иқтисодий самара берадиган улкан тадбирлар олиб борилмоқда, шунингдек олимлар чорвачилиқда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш методларини ишлаб чиқишди. Сенаж ва силос бостиришнинг конвейер-поток методлари ишлаб чиқаришга қўлланилди, озуқа сифати яхшиланди. Бу эса ўз навбатида йилига 9,5 минг сўм иқтисодий самара олиш имконини берди. Бу тадбирларнинг барчаси маҳсулот бирлигининг таннархи ва меҳнат сарфининг 10—15% пайшинига олиб келди.

«Гулистон» бўлимининг 4-бригадасида СоюзНИХИ олимлари Марказий Фарғонанинг янги ўзлаштирилган ерларида минерал ўғитлар қўлланишнинг, суғориш схемаси ва ғўза кўчат қалинлигининг, суғориш режими ва ҳоказоларнинг оптимал нормаларини аниқлаш ва белгилаш бўйича комплекс ишлаб чиқариш тажрибалари олиб бормоқдалар. Мазкур тажрибалар билан қиёслаш учун шу бўлимининг 3-бригадаси олинди. 4-бригадада ишлов беришдан тўғрив ҳосил йиғиб олингунгача бўлган барча агротехник тадбирлар мазкур бригада учун ишлаб чиқилган технологик картага қатъий риоя қилингани ҳолда белгиланган муддатларда ўтказилди. Марказий Фарғона шарт-шароитлари учун муҳим бўлган шамол эрозиясига қарши кураш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ғўза касалликларига қар-

1-жадвал. «Правда» ва «Езёвон» совхозларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	«Правда»					«Езёвон»				
		1975	1976	1977	1978	1980	1975	1976	1977	1978	1980
		й.	й.	й.	й.	й.	й.	й.	й.	й.	й.
Экин майдони	га	1300	1290	1288	1288	1230	3352	3300	3280	3260	3260
Яли пахта ҳосили	т	3366,0	3683,6	3704,7	4022,0	3742,2	9225	8581,7	8622,5	9477,0	8802,0
Пахта ҳосилдорлиги	ц/га	25,3	28,5	28,7	31,2	30,6	27,5	26,0	26,3	29,0	27,0
Машиналарда терилган пахта	т	1479	1514	2179	2314	2050	3639	2478	3040	3314	2425,4
Машиналарда таннархи	сўм	40,50	38,47	41,84	42,86	44,10	41,16	47,45	44,91	47,46	49,69
1 центнер пахта учун меҳнат сарфи	киши/ соат	34,2	30,4	27,2	26,6	32,5	35,4	38,3	38,1	33,2	38,4
1 кишига тўғри келадиган ўрғача йиллик пахта ҳосили	т	5,3	5,4	5,5	5,8	3,3	3,8	5,1	4,9	4,5	3,9
1 киши / кунига тўғри келадиган пахта	кг	25,6	24,9	27,3	33,9	36,2	15,2	15,4	15,9	24,1	21,4
Ҳар бир машинада терилган ўрғача пахта	т	123,0	128,2	114,8	122,0	99,7	35,4	38,3	38,1	63,0	55,1
Рентабеллик даражаси	%	31,7	35,4	39,0	33,0	35,4	20,7	0,9	7,9	13,7	—

ши химиявий ва биологик кураш усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бу ерларнинг тупроғи кучли даражада шўрланган бўлиб, авваллари ҳосилдорлик гектарига 10—12 центнердан ошмас эди. Шу сабабли шўр ювишга агротехниканинг асосий элементи сифатида доимо катта эътибор берилади. Дастлабки вазифа сифатида бу ерларда шамол эрозиясини тўхтатиш учун ихота дарахтзорлари ташкил этилди. Шамол эрозиясига қарши кураш билан биргаликда 1,5—2,0 гектардан 15—20 гектаргача бўлган майдонларни асосли текислаш ишлари олиб борилди; текисланган майдонларга гектарига 25—30 тонна миқдорда минерал ўғитлар солинди. 30—32 сантиметр чуқурликда шудгор қилинган, 65—70 сантиметр чуқурликка тузларни чўктириб юбориш имконини берадиган шўр ювиш тадбирлари амалга оширилди.

Тажрибаларнинг дастлабки йилидаёқ маълум бўлганидек, Марказий Фарғонанинг қўриқ ерлари унумдорликни оширишни талаб қилиши туфайли, илғор технологияни жорий этиш ва унинг барча қондаларига риоя қилиш эвазига катта самара олинди. 1976 йили ана шу энг қолоқ бригадада пахта ҳосилдорлиги 28,6 центнергача кўтарилди, уч йилдан кейин, яъни экспериментнинг охириги йилида 31,5 центнерни ташкил этди. Контрол бригадада эса ҳосилдорлик дастлабки 23,8 центнердан охириги йили 27 центнерга кўтарилди. Бу муваффақиятлар совхознинг ҳамма бригадаларида амалга оширилган амашлаб экишни жорий этиш, суғориш ва мелиорация ишларини мақбуллаштириш, органик ўғитлар нормасини ошириш каби тадбирлар натижасидир. Шундай қилиб, фақат ўсимликларнинг минерал озиқларини ошириш эвазига гектаридан 4,5 центнердан 4,8 центнергача қўшимча ҳосил олинди.

Энди ҳар иккала (контрол ва тажриба) бригадаларидаги кўрсаткичларни таққослаб чиқайлик.

3-бригада (контрол)да 1976 йилда 70 гектар, 1977, 1978, 1980 йилларда 60 гектар майдонга пахта экилиб, ҳосилдорлик гектарига 1976 йилда 23,8, 1977 йилда 24,3, 1978 йилда 27,0 ва 1980 йилда 26,4 центнерни; шу йилларга мувофиқ равишда бир центнер пахтанинг таннарни 32,36 сўм, 33,14 сўм, 32,29 сўм ва 34,43 сўмни; бир центнер пахта учун сарфланган меҳнат 34,4, 37,6 34,5, 36,4 киши /соатни; ҳар бир ишловчига тўғри келган йиллик ўртача пахта 5,7, 4,9, 6,0, 5,6 тоннани, бир

киши/ кунга тўғри келадиган пахта 20,4, 22,8, 23,3, 27,4 килограмми ташкил этган бўлса;

4-бригада (тажриба)да тажрибанинг барча йилларида 65 гектар майдонга пахта экилиб, ҳосилдорлик гектарига 1976 йилда 28,6 центнер, 1977 йилда 31,0 центнер, 1978 йилда 31,5 центнер, 1980 йилда 31,9 центнерни; шу йилларга мувофиқ равишда бир центнер пахта танинг таннархи 26,45 сўм, 24,87 сўм, 23,98 сўм ва 24,45 сўмни; бир центнер пахта учун сарфланган меҳнат 22,4, 21,6, 20,6 ва 21,4 киши /соатни; ҳар бир ишловчига тўғри келган йиллик ўртача пахта 8,1, 11,4, 11,4 ва 12,1 тоннани; бир киши/ кунга тўғри келадиган пахта 31,0, 37,0, 41,7 ва 44,7 килограмми ташкил этди.

Янги ўзлаштирилган қўриқ ерларда минерал ўғитлар нормасини ошириш қўшимча моддий сарфларни ҳам тақозо этиши табиийдир. Лекин иккала қўшни бригадалардаги пахтачиликнинг иқтисодий анализи натижалари синаб кўрилган методнинг юқори даражада иқтисодий самара беришини кўрсатди.

Тажрибадаги бригадада ўтказилган уч йиллик эксперимент мобайнида реализация қилинган қўшимча маҳсулот ҳисобига олинган ўртача фойда гектарига 234 сўмни ташкил этди. Шундай қилиб, бутун тажриба даври мобайнида 702 сўм фойда олинди, қўшимча ўғит сарфлашга кетган чиқим эса атиги 97,9 сўмга борди. Худди шунинг учун ҳам тажриба ўтказилган бригадада рентабеллик даражаси ўрта ҳисобда 76 процентга кўтарилди, минерал ўғитлар самарадорлиги, бинобарин, пахтачиликнинг умумий самарадорлиги ҳам яхши бўлди.

Ўғитлар самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг ўз вақтида солинишига ҳам боғлиқ. Уларни солиш муддатлари эса экинларнинг ўғитларга бўлган талабига кўра ва тупроқ билан ўзаро муносабатларига қараб белгиланади. Ғўзанинг ўғитларга талаби турличадир. Бу талаб ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига мувофиқ равишда ўзгариб боради. Минерал ўғитларнинг ва кўчат қалинлигининг пахта ҳосилига таъсирини ўрганиш борасида СоюзНИХИ олимлари томонидан 1976 йилдан бери 12 вариантдан иборат дала тажрибалари олиб борилмоқда.

2-жадвалда вариантлар бўйича қўлланилган минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлигини кўрсатувчи фактлар келтирилган.

Буида гектарига азотли ўғитлар 350 килограмм,

2-ж а д в а л. Варикантлар бўйича қўлланилган минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги (1 гектар ҳисобида)

№	Солинган ўғитлар			Ҳосилдорлик, ц/га	Кўшимча ҳосил, ц/га	Кўшимча ҳосилни йиғиб олиш сарфлари, сўм	Кўшимча ҳосилни йиғиб олиш сарфлари, сўм	Кўшимча ҳосилни йиғиб олиш сарфлари, сўм	Ўғитларнинг қўлланиш сарфлари, сўм			Барча чикимлар, сўм	Ўғитлар қўлланилишидан куряган шартли-соф фойда, сўм
	Азотли	Фосфорли	Калийли						Ўғитлар баҳоси	қўлланиш харажатлари	Ўмумий харажатлар		
1	250	250	75	37,6	10,0	465,0	69,00	29,45	4,18	33,66	202,63	362,37	
2	250	250	75	31,9	4,9	227,85	83,80	29,45	4,18	33,63	67,43	160,42	
3	250	250	75	29,9	2,9	134,85	20,00	29,45	4,18	33,63	53,63	81,22	
4	350	250	150	37,2	10,2	474,30	70,40	37,43	5,11	42,54	112,94	361,36	
5	350	250	150	33,1	6,1	283,65	42,09	37,43	5,11	42,54	84,63	199,02	
6	350	250	150	29,1	2,1	97,65	14,49	37,43	5,11	42,54	57,03	40,62	
7	250	250	75	37,7	10,7	497,55	73,83	29,45	4,18	33,63	107,46	390,09	
8	250	250	75	35,3	8,3	385,95	57,27	29,45	4,18	33,63	90,90	295,05	
9	250	250	75	30,8	3,8	176,70	26,22	29,45	4,18	33,63	59,85	116,85	
10	350	250	150	39,2	12,2	567,30	49,68	37,43	5,11	42,54	126,72	440,58	
11	350	250	150	34,2	7,2	334,80	41,68	37,43	5,11	42,54	92,22	242,58	
12	350	250	150	30,6	3,6	167,40	24,81	37,43	5,11	42,54	67,38	100,02	

фосфорли ўғитлар 250 килограмм ва калийли ўғитлар 150 килограмм миқдорида берилган 10-вариант энг самарали бўлиб, бу вариантда қўшимча ҳосилдорлик гектарига 12,2 центнерни, ҳар гектар ердан олинган шартли соф даромад 440,58 сўмни ташкил этди; лекин пахта харажатларининг қопланиши юқори бўлмай, 11,2 килограммга етди, холос.

Азотли ўғитлар гектарига 250 килограмм, фосфорли ўғитлар 250 килограмм ва калийли ўғитлар 75 килограмм миқдорида солинган 7-вариант ҳам самарали бўлди. Бунда қўшимча ҳосилдорлик гектарига 10,7 центнерни, соф даромад 390,09 сўмни, 1 килограмм азотни қоплаш харажатлари 15,1 килограммни ташкил этди.

Минерал ўғитлар миқдори билан бирга суғориш схемаси ва кўчат қалинлигининг пахта ҳосилдорлигига таъсири ҳам кузатиб борилди. Бунда ҳам 7- ва 10-вариантлар энг самарали бўлиб чиқди. Тупроқнинг нам ўтказувчанлигига нисбатан намлик режими 70—70—60 процентни, кўчат қалинлиги гектарига 110 ва 113 тупни ташкил этганда реализациядан кўрилган фойда гектарига 1822 сўм миқдорида бўлди.

Шундай қилиб, Марказий Фарғонадаги Ёзёвон район «Правда» совхози шароитларида тупроқнинг намлик режими 70—70—60 процентни ташкил этган, кўчат қалинлиги гектарига 120—130 минг тупдан ошмаган ҳолда ҳар гектар ерга азотли ўғитларнинг 300 килограммгача, фосфорли ўғитларнинг 250 килограммгача, калийли ўғитларнинг 100 килограммгача берилиши оптимал миқдор ҳисобланади. Минерал ўғитлар миқдори, суғориш режими ва кўчат қалинлиги ўзгартирилса, самарадорлик пасая бошлайди. Юқоридаги вариантлар совхоз ишлаб чиқариш тажрибасидан муваффақиятли ўтди ва келажакда уларни бутун Марказий Фарғонада қўлланиш мўлжалланмоқда. Бу тавсияларнинг Фарғона водийсидаги колхоз ва совхозларда жорий этилиши натижасида, бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, ҳар йили 2 миллион сўмдан кўпроқ қўшимча даромад олиш мумкин.

Совхозда СоюзНИХИ олимлари билан биргаликда тупроққа берилган қўшимча ўғитлар таъсирини ўрганиш борасида 6 вариантдан иборат комплекс тажрибалар олиб борилмоқда. 1-вариант контрол ҳисобланиб, гектарига азотли ўғитлар 250 килограмм, фосфорли ўғитлар 250 килограмм, калийли ўғитлар 75 килограмм

миқдориди солинди ва бошқа ҳеч қандай қўшимча ўғитлар берилмади; 2-вариантда жавдардан бўшаган ерга юқорида кўрсатилган миқдорда ўғитлар солинган ҳолда тажриба олиб борилди; 3-вариантда шудгор пайтида контролдагига қўшимча равишда гектарига 30 тонна гўнг; 4-вариантда гектарига 60 тонна лигнин; 5-вариантда шудгор пайтида гектарига 40 тонна миқдориди шаҳар чиқиндиси; 6-вариантда шудгор пайтида гектарига 30 тонна, вегетация даврида эса 15 тонна гўнг солинди. 3-жадвалда ана шу тажриба натижалари келтирилган.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, қўшимча ўғитлар солинган йилда ҳам, бир йилдан кейин ҳам энг яхши самараларга 5- ва 6-вариантларда эришилган.

1980 йилда «Правда» совхозиди ўғитлар қўлланилишидан кўрилган иқтисодий самара қуйидагича бўлди. Агар контролда ҳосилдорлик гектарига 28,1 центнерни ташкил этган бўлса, тажрибада 31,8 центнерни, қўшимча ҳосил 3,7 центнерни, қўшимча ҳосилнинг баҳоси 174,0 сўмни, тажриба ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар 50,49 сўмни (ўғитнинг баҳоси ва уни қўлланиш харажатлари 33,99 сўмни, қўшимча ҳосилни йиғиб олиш, ташиш харажатлари 16,50 сўмни), ҳар гектар ердан олинган иқтисодий самара 123,52 сўмни, рентабеллик 71,0 процентни ташкил этди. Бир гектар ердаги ялпи ҳосилнинг баҳоси контролда 1321,54 сўм бўлса, тажрибада 1495,87 сўмни; ўртача реализация баҳоси контролда ҳам, тажрибада ҳам 47,03 сўмни; бир гектар ердаги ҳосилнинг таннархи контролда 1208,3 сўмни, тажрибада 1176,6 сўмни; бир центнер пахтаининг таннархи контролда 43,0 сўмни, тажрибада 37,0 сўмни; рентабеллик контролда 9,2 процентни, тажрибада 27,12 процентни; соф даромад контролда 113,24 сўмни, тажрибада 319,27 сўмни; 200 гектар майдондан иборат учала бригададаги иқтисодий самара 63854 сўмни ташкил этди.

«Правда» совхозининг тажриба бригадаларида қўшимча минерал ўғитлар қўлланиш натижасида ҳам ажойиб иқтисодий самараларга эришилди. Контрол бригадада ҳосилдорлик гектарига 28,1 центнерни ташкил этгани ҳолда, тажриба бригадаларида гектарига 120 килограммдан азотли ўғитлар, 75 килограммдан фосфорли ўғитлар солинганда ҳосилдорлик 1-тажриба бригадасида 32,2 центнерни, 5-тажриба бригадасида

3-жадвал. Қўшимча ўғитлар солинган (1979) йил ва бир йилдан сўнг (1980) олиб борилган тажрибаларнинг иқтисодий кўрсаткичлари (1 гектар ер ҳисобида).

Вариантлар	Солинган йил (1979)		Соф даромад, сўм	Бир йилдан сўнг (1980)		Соф даромад, сўм
	ҳосилдорлик ц/га	қўшимча ҳосил, ц/га		ҳосилдорлик, ц/га	қўшимча ҳосил, ц/га	

Қатор оралари 90 см қилиб экилганда

1.	Контрол (N ₂₅₀ , P ₂₅₀ , K ₇₅)	25,6	—	—	28,9	—	—
2.	I-вариант+жавдар	35,3	9,7	440,32	29,2	0,3	14,55
3.	I-вариант—гўнг (30 т)	38,6	13,0	545,07	31,8	2,9	20,42
4.	I-вариант+лигнин (60 т)	33,8	8,2	295,69	32,0	3,1	55,58
5.	I-вариант+шаҳар чиқиндиси (40 т)	41,8	16,2	642,63	36,3	7,4	232,98
6.	I-вариант+шудгор пайтида 30 т, вегетация даврида 15 т гўнг	39,2	13,6	522,95	36,6	8,7	223,28

Қатор оралари 60 см қилиб экилганда

1.	Контрол (N ₂₅₀ , P ₂₅₀ , K ₇₅)	24,6	—	—	25,3	—	—
2.	I-вариант+жавдар	31,7	7,1	285,40	26,0	0,8	8,98
3.	I-вариант+гўнг (30 т)	34,0	9,4	416,17	27,2	2,0	-21,85
4.	I-вариант+лигнин (60 т)	32,7	8,1	330,73	25,8	0,6	-62,02
5.	I-вариант+шаҳар чиқиндиси (40 т)	38,5	13,9	599,03	32,1	0,9	209,46
6.	I-вариант+шудгор пайтида 30 т, вегетация даврида 15 т гўнг	38,4	13,8	601,77	32,8	7,6	171,55

31,2 центнерни, 6-тажриба бригадасида 32,0 центнерни; минерал ўғитлар қўлланилиши натижасида олинган қўшимча ҳосил 1-тажриба бригадасида гектарига 4,1 центнерни, 5-тажриба бригадасида 3,1 центнерни, 6-тажриба бригадасида 3,9 центнерни; қўшимча ҳосилнинг баҳоси 1-тажриба бригадасида 192,8 сўмни, 5-тажриба бригадасида 145,80 сўмни, 6-тажриба-бригадасида 183,42 сўмни; минерал ўғитларнинг баҳоси ҳар учала тажриба бригадаси учун бир хил — 33,99 сўмни; ўғит-

ларни солиш ва қўшимча ҳосил реализацияси билан боғлиқ бўлган харажатлар 1-тажриба бригадасида 18,29 сўмни, 5-тажриба бригадасида 14,79 сўмни, 6-тажриба бригадасида 15,68 сўмни; барча харажатлар 1-тажриба бригадасида 52,28 сўмни, 5-тажриба бригадасида 48,78 сўмни, 6-тажриба бригадасида 49,67 сўмни; қўшимча ўғитлар қўлланилишидан олинган соф фойда 1-тажриба бригадасида гектарига 140,54 сўмни, 5-тажриба бригадасида 97,02 сўмни ва 6-тажриба бригадасида 133,75 сўмни ташкил этди.

Мана шу фактларнинг ўзиданоқ қўшимча ўғитлар пахта ҳосилдорлигини оширишда нақадар муҳим эканлиги кўриниб турибди.

* * *

Биз Фарғона областининг Киров районидаги Киров номли совхозда — шамол эрозиясидан зарарланган тупроқларда минерал ўғитларнинг қўлланилиши бўйича тажрибалар олиб бордик ва уларнинг иқтисодий асосларини ишлаб чиқдик. Қўлланиладиган минерал ўғитларнинг иқтисодий самарасини белгилаш учун уларни эрозияга учрайдиган ва учрамайдиган зоналарда бевосита қўлланиш билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаб чиқдик. Бу харажатларга тракторчининг меҳнатига тўланадиган ҳақ, ёнилғи ва ўғитнинг баҳоси, уларни ташиб келтириш, асраш, қўлланиш харажатлари, шунингдек қўшимча пахта ҳосилининг баҳоси киради.

4-жадвалда эрозияга учровчи ва эрозияга учрамайдиган зоналарда минерал ўғитлар қўлланишининг самарадорлиги кўрсатилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар икки хил тупроқ шароитларида ҳам минерал ўғитларни қўлланиш самарали бўлиб, унинг натижасида қўшимча даромад олинган; ҳар иккала тупроқ шароитларида ҳам энг самарали вариантлар 6- ва 8-вариантлар бўлиб, эрозияга учрайдиган тупроқ шароитларида ҳар гектар ердан олинадиган фойда эрозияга учрамайдиган ерлардагига қараганда қарийб 100 сўм кўндир.

Демак, бундан эрозияга учрайдиган тупроқларда минерал ўғитларнинг қўлланилиши эрозияга учрамайдиган зоналарда қўлланишга нисбатан самаралироқдир деган хулоса келиб чиқади.

Қисқача қилиб айтганда, шамол эрозиясидан зарарланган тупроқларда хусусан, биз кузатишлар олиб

4-жадвал. Минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Йиллик норма кг/га		3-йиллик ўртача хо- сият, ц/га	Ўғитлар қўланилиши билан боғлиқ қушмича харажатлар, сўм	Ўғитлар қўланилиши билан боғлиқ қушмича харажатлар, сўм						Олинган фойда		Рентабеллик, %
	азотли ўғитлар	фосфорли ўғит- лар			Кўшмича хосиятнинг реализация баҳоси сўм	Минерал ўғит- лар баҳоси	Ўғитларнинг қў- ланиш харажат- лари	Ташвиш, оқш, тушириш, асраш харажатлари	Кўшмича хосия харажатлари	жами кўшмича харажатлар	1 гектар ердан	Кўшмича хара- жатларнинг 1 сўмига	
Эрозияга учрамаган тупроқларда													
1	—	—	23,5	—	277,53	32,80	2,82	3,10	53,2	91,92	185,61	1,10	—
2	545	—	32,8	8,7	405,13	46,85	2,82	3,99	78,4	132,06	273,07	2,10	67,0
4	545	562	36,2	12,7	478,50	60,50	2,82	5,30	92,5	161,52	316,98	1,96	67,4
6	545	1124	38,5	15,0	488,07	71,73	3,57	6,27	94,4	175,96	312,11	1,77	66,3
8	727	1124	38,8	15,3	—	—	—	—	—	—	—	—	63,9
Эрозияга учрайдиган тупроқларда													
1	—	—	18,2	—	341,30	32,80	2,82	3,10	66,04	104,76	236,57	2,25	—
2	545	—	28,9	10,7	481,69	46,85	2,82	3,99	93,19	146,85	334,84	2,28	69,3
4	545	562	33,3	15,1	593,34	60,50	2,84	5,30	114,79	185,81	409,53	2,20	69,5
6	545	1124	36,8	18,6	312,48	71,32	3,57	6,27	118,50	200,06	412,42	2,20	69,0
8	727	1124	37,4	19,2	—	—	—	—	—	—	—	2,06	132,1

Библиотека
ХИ
8679.